O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 7 октябрь ШАНБА

№ 81 (11.884)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Анжуман

ЮРИДИК ХИЗМАТДАН ҚОНИҚАСИЗМИ?

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эркин бозор тамойилларига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишга киришилди.

Унинг асосий шартларидан бири тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли» мавзусида ўтган илмий-амалий семинарда асосий эътибор шу каби масалаларга қаратилди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидландики, кейинги йилларда бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинганлигига қарамасдан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг ўрни бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Семинарда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусан, савдо-саноат палатасининг ўрни, юридик хизмат ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг иштирокини кучайтириш муаммолари атрофилича муҳокама қилинди.

Пахта – 2006

ҚУЙИЧИРЧИҚЛИКЛАР ЯНА МАРРАДА

Қуйичирчиқ тумани пахтакорлари қабул пунктларига 36400 тонна хом ашё етказиб бериб, шартнома режасини адо этдилар. Ҳосилнинг қарийб ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Муваффақиятни таъминлашда тумандаги мавжуд ширкат ва фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Албатта, деҳқон меҳнатининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари, сир-синоатлари, синов-машаққатлари талай. Йилдан йилнинг фарқи бўлганидек, кўзланган мақсадга эришиш ҳамиша маълум даражада оғир келади. Кўпинча табиат инжиқликлари ўз ҳукмини ўтказиб, чигитни ундириб олишдан тортиб то ҳосилни йиғиб-теришгача деҳқоннинг қаддини букиб келса, баъзан энг қулай об-ҳаво шароитида ҳам боқибеғамлик ва ўзибўларчилик оқибатида бор имкониятлар бой берилгани туман пахтакорларининг узоқ йиллик тажрибаларидан яхши маълум.

Бироқ, бу йилги мавсум аввалгиларидан бутунлай фарқли келди. Пахтачиликда яхши самарадорликка эришиш учун аввало, об-ҳаво туриб берган бўлса, иккинчидан, юртимизда деҳқон меҳнати қадр топаётгани, рағбат кўраётгани, тармоқда ҳосил етиштириш учун барча зарур ресурслар етарлича таъминланаётгани ўз натижасини кўрсатди. Ҳар қалай, кўпни кўрган деҳқонлар муваффақиятларининг асосий омилини шундай изоҳламоқдалар.

Тумандаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги деҳқонлари ялпи хирмонга 8500 тонна хом ашё тўқдилар. Ҳосилдорлик биринчи теримда 28-30 центнерга етди.

– Режада белгиланган 1500 тонна ўрнига 1800 тонна пахта сотдик, – дейди шу хўжаликнинг «Мустафочочи» бўлими бошлиғи Алижон Худойбердиев. – Зиммамиздаги вазифани биринчи теримнинг ўзи билан қарийб 110 фоизга уддаладик. Пахтамиз фақат биринчи навга қабул қилинди. 30-32 центнердан хосил қўтардик. Ҳали иккинчи терим шундоқ турибди. Уни ҳам вақтида йиғиштириб олсак, даромадимиз салмоғи янада баракали бўлади.

Шунингдек, мавсумда фермерлар даласидаги хосил чўғи, айниқса баракали бўлди. Туман пахтасининг

(Давоми 2-бетда).

Шу она-Ватан — барчамизники

ЗАМИН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Майин тонг сабоси эсаяпти. У эндигина ҳосилга кирган анор ва хурмо кўчатларининг майин шохларини ўйнайди, ток қаторини ёнлаб ўсаётган райҳон баргларини селпиб ўтади. Шунда кишини маст қилгудек бўлиб, атрофни ёқимли ҳид тутиб кетади.

Шарқираб сув оқаяпти. Унинг томчилари ариқ бўйлаб ўсаётган номозшомгул баргларида юмалайди. Бир пайт зумрад доначалари сочилгандек, гулзор ажиб товланади. Бу — тонг қуёши нурларининг гуллар баргларида юмалаётган томчилардаги акси. Улар кўзларни қамаштириб, кўнгилни бир ҳаприктириб, дилингизни яйратиб юборади. Бу — Ватан деб аталмиш маконнинг оддий бир ҳовлисидаги тонг рангларининг тилсими, она табиатнинг қалбларимизга ҳузур бағишлайдиган, вужудимизни тетиклаштириб, қаддимизни ростлайдиган гўзалликлари.

Ҳосилини кўтара олмай, шохлари эгилган нокда қушлар чуғур-чуғури. Улар шохдан-шохга сакраб, шўх-шодон сайрашиб, қуёшни қаршилашяпти. Тонг отаётганлигидан, қуёш кўтарилиб, борлиқни уйғотаётганидан хурсанд қушлар қўшиғи ҳовлини тутиб кетган.

Остона ҳатлаб кўчага чиқсангиз, озод бу юртда минг бир рангларнинг жилосини кузатасиз, турли тилларда янграб, ҳаётимиз, меҳнатимиз, онадиёримизга, бир-биримизга меҳримизни улуғлаётган қушиқларни тинглайсиз.

Мана 15 йилки, бу замин эмин-эркин яшамоқда. Унинг фарзандлари — юз бир миллат ўғил-қизлари ўз тақдирларини ўзлари яратишяпти. Улар қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат ҳаловатли турмушни янги бўёқларда жилвалантириш учун меҳнат қилишаяпти.

Бу замин не-не балоқазоларни бошидан кечирмади. Не-не истилочилар ундан от ўйнатиб, қилич ялангочлаб ўтишмади. Бу юрт не-не қирғин-баротларни кўрмади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, биргина Тошкент шаҳрининг ўзи тўрт бора вайрон қилиниб, бебаҳо илм дурдоналари тўпланган кутубхоналару саройлари, обод маҳалла ва гузарлари ёқилиб, заминига омоч солинган. Кўҳна Урганч вайроналари, қадим Бухоронинг қолдиқ деворлари, Афросиёб тепаликларида очилган саройлар деворларидаги ҳамон ранги ўчмаган суратларда акс этган манзаралар Ўзбекистоннинг суронли ўтмишидан, жафоли кечмишидан ҳикоя қилади. Лекин ҳар сафар ўз юртининг виждони, асл фарзандлари қўлга қурол олиб, истилочиларга қарши оёққа туришган, она юрт шаъни-шавкатини тиклаш учун майдонга чиқишган.

Замонлар ўтаверади, лекин бу замин барқарор тураверади. Ҳар бир даврда миллатнинг ақлидроки, ор-номуси ва виждони сифатида камол топган авлодлар уни яшнатиб, гуллатиб ўтаверишади. Бугун қадим Шош воҳасига бир назар ташланг-а. Бир пайтлари йигирмадан зиёд қалъа-шаҳар, шаҳар-давлатлар барпо этган халқнинг зурриёдлари бугун Чирчиқ ва Олмалиқ, Ангрен ва Янгийўл шаҳарлари, Паркент, Пскент, Гулбаҳор, Зафар, Оққўрғон, Чиноз ва бошқа шаҳарчаларда, Қатортол, Кўктерак, Сойлиқ каби юзлаб қишлоқларда мустақил ҳаётимизга монанд ёдгорликлар тиклашаяпти. Ўз тақдирини ўз қўлига олган ҳозирги авлод мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиб, унинг номини етти иқлимга довруқли қилаяпти.

Бугунги куннинг мазмун-моҳияти ва ҳароратини ҳис қилиш учун Бекобод ёки Олмалиқ корхоналарини айланиш кифоя. Агар исталган қишлоққа кириб борсангиз, Аброр фермер, Сокина каштачи, Гулчеҳра чевар, Ботир йилқичи, Акрам боғбонлар ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, юрт ҳаловатини кўзлаб яшаётган замондошларимизга тасаннолар айтасиз.

... Баланд, тик қоя устида икки киши турибди. Улар геологлар. Ўнгирлардан, шўх сойлардан ўтиб, ҳозиргина шу тоққа чиқиб келишди. Оёқлари остида чўкичлари ва тўрвалар. Уларда тоғ ёнбағридан олинган минералларнинг намуналари.

— Буни қаранг, Равшан Аҳмедович, қандай ажойиб манзара! — деди ёш йигит пастга, воҳага, узоқ-узоқларга чақноқ кўз билан боқиб.

Устоз — сочларига оқ оралаган, барваста қоматли олим майингина жилмайиб қўйди. Шогирднинг ҳозирги руҳий ҳолати унга яхши таниш. Бир пайтлари устози шу қояга бошлаб чиққанида ўзи ҳам шундай ҳаяжонланган.

Ҳозир ҳам кекса геолог ўз вужудида ёқимли бир ҳаяжон туяяпти. Лекин буни йигит илғамаётир. Илғаши, ҳис қилиши учун ўн йиллаб тоғу тош кезиши, бу она замин бойликлари салмоғини чуқур идрок этиши, Ватанга хизмат қилдириш учун уларнинг «кўзи»ни очиши керак. Устоз шундай пайт келишига ишонади, бир пайтлари довруқли устози қўлидан олган ўзининг геолог чўкичини кимга топшираётганини билади.

— Ҳа, қўшиқ давом этади! — деб қўйди кекса геолог.

Шогирд ялт этиб устозига қаради:

— Қандай қўшиқ, домла?

— Замин ҳақидаги қўшиқ, Рустам, — деди устоз. — Она ер ҳақидаги қўшиқ...

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ОҚҚЎРҒОНДА ЮКСАЛГАН ОППОҚ ХИРМОНЛАР

Оққўрғон – вилоятимизда энг кўп пахта етиштирадиган туманлардан ҳисобланади. Табиийки, бу замин деҳқонларининг юртимиз пахтачилик саноатида муносиб ўрни ва нуфузи бор.

Бу масъулиятни ҳамиша ҳис қилиб келадиган туман пахтакорлари куни кеча катта довондан ошдилар. Улар қабул пунктларига 39220 тоннадан зиёд хом ашё етказиб бериб, йиллик шартнома режасини муваффақиятли уддаладилар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан олинган маълумотларга кўра, ҳудуд деҳқонлари бу йил 15140 гектар майдонда пахта етиштирдилар. Бу тармоқда бугун 4 та ширкат, битта тажриба ҳамда 597 та фермер хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Айтиш мумкинки, туманда бунёд этилган залворли хирмонни яратишда уларнинг барчаси муносиб ҳисса қўшди.

Хусусан, ялпи хирмонга «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги деҳқонлари 2070, Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари 1520 тоннадан ошиқ хом ашё тўқиб, зиммаларидаги шартнома режаларини 115-120 фоиз қилиб уддалашга муваффақ бўлган бўлсалар, хирмонга энг кўп улуш қўшадиган яна икки – Султон Сегизбоев номли (3810 тонна) ва «Ўзбекистон» (2139 тонна) ширкат хўжаликларида ҳам бугун-эрта меҳнат зафари тантана қилинади.

– Ҳисоблаб кўрсам, пахтачилик бригада ва бўлимларида 40 йил раҳбарлик қилибман, – дейди оққўрғонлик уста пахтакор Шакар-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларнинг санитария-гигиена ҳамда экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Айниқса, Республикамиз Президентининг «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари яқинда Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида ҳам қишлоқ меҳнаткашлари билан қилган самимий суҳбатларида уларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитлари билан қизиқди, қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтиришни янада жадаллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Айрим аҳоли манзилгоҳларида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатувчи иншоотлар кам, энг ачинарлиси, бундай аҳволни яхшилашга ёрдам берадиган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмаяпти.

«Экосан» халқаро ташкилоти Юртбошимизнинг қишлоқларда турмуш шароитларини яхшилаш бўйича қўйган вазифаларидан келиб чиқиб, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида конференция ўтказди. Анжуманда мазкур масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва қишлоқ ҳаётида зарур бўлган маиший, санитария-гигиеник ва бошқа кенг истеъмол моллари кўргазмаси ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАЛҚАРО КЎРИК-ТАНЛОВ

Ўзбекистон терма жамоаси Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган ўсмирларнинг учинчи халқаро ўрмончилик кўрик-танловида иштирок этади.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилинишича, мазкур тадбирда Африка, Америка, Европа каби жаҳоннинг 25 давлат вакиллари табиатни асраш муаммоларига оид маърузалари билан чиқишади. Шуниси эътиборга молликки, қатнашчиларнинг барчаси 20 ёшгача бўлган йигит-қизлардир.

Ўзбекистонлик қизлар маърузаларида ўрмон экологияси, юртимизда игна баргли дарахтлар, чунончи, совур арча, арча, қораарчани кўпайтириш хусусидаги масалаларни ёритишади.

Ўтган йили ушбу кўрик-танловда Ватанимиз вакиллари лауреатлик дипломини олишга муваффақ бўлишган.

«Туркистон-пресс».

Қишлоқ мулкдорлари

ЧОРВАДОР ФЕРМЕР ШУҲРАТИ

Тошкент туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалигининг фаолияти, ютуқлари, хайрли иш ва ташаббуслари хусусида бот-бот эшитиб қолардик. Чорвачиликка ихтисослашган мазкур хўжалик тармоқда ечими ҳали ойдинлашиб улгурмаган баъзи муаммолар, ривожланиш қийинчиликларини ортда қолдириб, нафақат туманда, балки вилоятда ҳам муносиб довруқ ва эътибор қозониб улгурганди.

Эътироф этса арзигулик, кенг оммалаштириш фойдали бўлган тажрибалари ҳам етарли эди. Шу сабаб, қачонлардир шу ҳақда бирор нима ёзаман, деб ўзимча диллаб юрардим. Бироқ, вақт тиғизлигими ёки ҳафсаласизлик сабабми, режамиз ортга сурилиб келаверди.

Буни қарангки, яқинда лавҳамиз қаҳрамонининг ҳаётида мутлақо қувончли воқеа юз берди. Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида фермер Жўрабой Маҳаматов Президентимиз фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Шу боис фермерни қутлаш ва ўзимиз учун керакли баъзи маълумотлар, фойдали мулоҳазаларни қайд этиб олиш мақсадида хўжаликка йўл олдик.

Қорамол фермасида иш қизғин, аммо фермернинг ўзи йўқ экан. Суриштириб, у кишини кенг бедапоядан топдик. Чорвадор учун қиш ғамини ейишдан заруррок юмуш йўқ. Жўрабой фермер ҳам шу кунларда бедасига тўртинчи бора ўроқ туширган экан. Кўришгач, у кишидан биринчи бўлиб хушхабарни эшитган чоғидаги ҳаяжонлари, кўнглидан ўтган ўйлари хусусида сўрадик.

— Бу мен учун мутлақо кутилмаган ҳол бўлди, — дея ҳаяжон билан сўзлади фермер. — Ҳатто ҳужжатларимни тайёрлашганидан ҳам бехабар қолибман. Жўҳоризорда ҳосил ғарамлаётган эдим, таниш-билишлар кетма-кет телефон қилиб, суюнчи олишди. Газетада ўзим ўқигачгина ишондим. Иттифоқо, шу кунлари туман ҳокимлигида катта йиғин ўтказилди. Унга каминани ҳам чақиришди. Ҳокимизнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ажойиб, бир жайдари феъл-атвори бор эмасми, ҳамманинг олдида минбарга чақириб елкамга тўн ёпди, денг. Жуда ғалати бўлиб кетдим. Камтарона хизматимиз шу қадар юксак эътироф этилибди, қаторда бор эканмиз, дея қувондим. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Ишонсангиз, шу оқшом ухлай олмадим.

Ўтган йиллар бир юмалаб фермер бўлиб олганлар, аслида на деҳқончилик, на чорва парвариши, борингки, на иқтисод, на сиёсатдан хабари бўлмай туриб мулкдор сифатида иш бошлаганлар ҳам пайдо бўлгани сир эмас. Тармоқнинг фақат фойдасига учиб, эртани ўйламай, даромад кетидан қувганлар кўпайди. Айнан шунинг натижасида, хусусан, чорвачилик тобора аянчли аҳволга тушди, каттакатта чорва фермалари, йирик наслчилик хўжаликлари муносиб эгасини топмай парокандаликка юз тутди. Қисқаси, кимдир бузди.

Бундан ўн йил аввал собиқ Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги чорва фермаси хусусийлаштириладиган бўлиб, кимошди савдосига қўйилди. Шу ерда суяги қотган, фермани иккинчи уйидек қадрдон санайдиган Жўра Маҳаматовни ўша кезлари хўжаликка раислик

(Давоми 2-бетда).

Тошкент Давлат шарқшунослик институтига умумий миқдори 87 минг 343 доллар бўлган замонавий ускуналардан иборат навбатдаги грант топширилди.

НАВБАТДАГИ ГРАНТ

"Тошкент Давлат шарқшунослик институтида японшунослик ва япон тилини ўргатишни яхшилаш" лойиҳаси доирасида ажратилган мазкур грант илм даргоҳининг ўқув базасини янада мустаҳкамлади.

Маълумотларга қараганда, ҳозиргача Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 1,9 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилган. Жумладан, расмий кўмакни ривожлантириш дастури бўйича имтиёзли кредитлар учун 871 миллион, беғараз ва гуманитар ёрдам учун 147 миллион, таҳлилий техникалар учун 47 миллион доллар йўналтирилган. Япония халқаро ҳамкорлик банкининг тижорат кредитлари 820 миллион доллар ни ташкил этади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».

ХИТОЙ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Тошкент фото уйида Хитой Халқ Республикаси ташкил топганлигининг 57 йиллигига бағишланган "Ўзбек фото рассомлари ижодида Хитой" деб номланган кўргазма очилди.

Тадбир Ўзбекистон бадиий академияси, Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Тошкент фото уйи ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазмада Хитойнинг қадимги тарихи ва бугуни ёрқин акс эттирилган. Ижодкорларимиз ўз асарлари орқали Хитой ўлкасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг ёритишган. Намойиш этилаётган фотосуратларда Хитойнинг гўзал табиати, қадимги маданияти, ривожланиш йўлидаги тараққиёт ютуқлари мужассамлашган.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

2007 йил учун обуна бошланди

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси - 205.

ИМТИЁЗ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодиёт барқарорлигининг муҳим шартларидандир. Шу боис юртимизда бу масалага устувор аҳамият бериляпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 22 июнда қабул қилинган "2006-2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"ги Қарори айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарор асосида тасдиқланган Дастур ҳам шуни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш асосида замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, янги иш жойлари яратишга қаратилган.

– Ушбу Дастур саноат маҳсулотлари, бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар, хом ашё, спорт анжомлари, ўқув ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид кўплаб лойиҳаларни ўз ичига олган, – деди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бевосита солиқлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Убайдулла Нуриддинов. – Уларда маҳаллий хом ашё негизида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли корхоналарга 2009 йилнинг 1 январигача кўплаб имтиёзлар берилди.

Хусусан, бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулот турлари, материаллар, хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнда фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан озод қилинган. Божхона расмийлаштируви учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно, албатта. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад (фойда) солиғи – соддалаштирилган солиқ тизими қўлланиладиган субъектлар учун – ягона солиқ тўлови тўлашдан ҳамда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинди.

Спорт анжомлари ва ўқув ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасига киритилган корхоналар давлат бюджети, давлат мақсадли фондлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси кафолати билан халқаро ва хорижий молия муассасалари томонидан бериладиган хорижий грантлар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши кўзда тутилган лойиҳалар бўйича тендер (танлов) савдоларининг ғолиблари сифатида аниқланса, уларга ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

Ушбу имтиёзлар туфайли тежаладиган маблағлар хўжалик субъектларининг молиявий самарадорлигини оширишга, жумладан технология ускуналарини модернизация қилишга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, дастурни амалга оширишга жалб этилган муҳандис-техник ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида берилган ана шундай имтиёзлар туфайли маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси 56, "Андижонкабель" қўшма корхонаси 59,6, "Дойче кабель" қўшма корхонаси 52,3 миллион сўм фойда солиғидан озод этилди. Молмулк солиғидан озод этилган анча маблағ ҳам корхоналар ихтиёрида қолди.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш салоҳияти яхшиланиб, бозорларимизда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли маҳсулотлар ҳажми кўпаймоқда. Буларнинг барчаси пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

Пахта – 2006

ҚУЙИЧИРЧИҚЛИКЛАР ЯНА МАРРАДА

60 фоизидан кўпроғини улар етиштирдилар. Пахтачилик йўналишидаги мавжуд 505 та фермер хўжалигининг аксариятида шартнома режалари барвақт бажарилди.

– Чиндан ҳам, бугун қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришда фермерлар улуши кескин ортиб бораяпти, – дейди шу заминдаги «Мамат» фермер хўжалиги раҳбари Абдуваҳоб Ярлиқопов. – Бу юртимизда фермерларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилувчи мукаммал қонуний асосларнинг яратилганлиги ва улар ҳаётда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётгани натижаси эканлигини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Мирзамаҳмуд-агро» туманда анча кўзга кўринган, барқарор ривожланаётган фермер хўжаликларидан биридир. Унинг аъзолари бу мавсум 78 гектар ерда пахтанинг С 65-24 навидан мўл ва эртаки ҳосил етиштирдилар. Эрта кўкламдан қилинган аниқ режа ва мақсадли меҳнат бесамар кетмади. Пахтакорлар биринчи теримдаёқ 200 тоннадан зиёд пахта териб олдилар. Фермер Рўзи Акромовнинг айтишича, тармоқдан 16 миллион сўм соф фойда кутилаяпти.

Туман пахтакорлари кузнинг илиқ-иссиқ кунларидан оқилона фойдаланиб, қолган хосилни ҳам тезроқ йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқдалар.

***СУРАТДА:** «Мирзамаҳмуд-агро» фермер хўжалиги аъзолари терим пайтида.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ОККЎРҒОНДА ЮКСАЛГАН ОППОҚ ХИРМОНЛАР

вой Бойназаров. – Бироқ, бундай мўлчилик ва барака йилини икки ё уч марта кўрганман. Ҳақиқий деҳқонга ерни, сувни бер, имкониятни ярат, натижасини ўшанда кўрсан. Чунончи, бу мавсум шундай бўлди. Деҳқонлар ер, сув, мукаммал инфратузилма билан етарлича таъминланди.

Дарҳақиқат, ўтган икки-уч йил ичида туманда ер ўзининг уқувли, тажрибали эгасини топди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун бу ҳудудда етиштирилган пахта ҳосилининг 74 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаяпти. Ўзига билдирилган ишончни оқлаб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлган, шартнома режасини қисқа муддатда уддалаган фермерлар сони ҳозиргача 250 га яқинлашиб қолди. Тумандаги «Баҳром», «Домла Азимбой», «Дурдона», «Покиза-М», «Камолот-Осиё», «Ўлмас ота», «Қамбарали», «Қўчқор чавандоз», «Бойназар ўғли Шакарвой», «Жўракул Бурхон», «Азизбек» каби юзга яқин фермер хўжаликлари катта хирмонга салмоқли барака киритдилар. Қабул пунктларига улар энг ками 120 дан 500 тоннагача «оқ олтин» етказиб бергани туман фермерлари тармоқда чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб улгурганидан далолат беради.

Биз тумандаги «Оллоберди Мурод» фермер хўжалиги далаларида бўлганимизда, аъзоларни байрамона рухда учратдик. Шу куни хўжаликда шартнома режаси бажарилиб, пахтакорлар меҳнат зафарини дала бошида, қизғин иш жараёнида нишонлаётган экан.

– Давлатга 130 тонна хом ашё сотдик, – дейди оккўрғонлик энг навқирон фермер, 23 ёшли Озодбек Наватов. – Ҳосилимизнинг 100 фоизи биринчи навга, яна 40 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Ўтган йили олий таҳсилни пахтачилик саноати бўйича якунладим. Юқори сифатли хом ашёнинг баҳоси, қадр-қимматини яхши биламан. Чамамда, энди соф фойдамиз 30 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Бу хўжаликда ҳали биринчи терим тугамасиданоқ, йиллик режа уддалангани, ҳосилдорлик 35 центнер атрофида бўлаётгани кишини руҳлантиради. Озодбекнинг айтишича, далаларда ҳали яна 10-15 центнер ҳосил бор.

Оккўрғонлик деҳқонлар шарафли вазифани қисқа фурсатда, юқори уюшқоқлик билан уддалаган бўлсаларда, пахтазорларда ҳосил мўллиги боис, терим суръати асло сусаяётгани йўқ. Улар қолган ҳосилни ҳам имкони борича саранжомлаб олиш ниятидалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

***СУРАТДА:** фермер Озодбек Наватов мавсум илғорларини тақдирламоқда.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Саидкамол БАҲРОМОВ, «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги раиси:

– Пахтачиликда ҳар йилнинг ўзига хос сабоғи бўлади. Шундан келиб чиқиб бу йилги мавсум ҳар бир деҳқонга меҳнат қилган кам бўлмаслигини, эътибор ва ҳаракат билан катта натижаларга эришиш мумкинлигини яна бир карра англатди, десак хато қилмаган бўламан.

Чиндан ҳам бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ва эртаки ҳосил етиштирдик. Биринчи теримнинг ўзидаёқ давлат режаси қопланадиган йиллар камдан-кам бўлади. Бу йил тажрибасини пухта ўрганиб, келгусида ҳам шундай самарадорликка эришиш учун курашишимиз жоиз.

Раҳимжон УМИРОВ, «Азизбек-умр» фермер хўжалиги раҳбари:

– Кўпчилик бу йилни пахта йили бўлди, дейишаяпти. Мен бунга қўшимча қилиб, бу мавсум барака мавсуми бўлди, дегим келади. Чунки, пахтани мўлкўл етиштириш мумкин, аммо, у тош босмаса, вақтида йиғиб-териб олинмаса, мақсадга эришиб бўлмайди. Далаларимизда етилган ҳар чаноқ пахта 5-6 грамм келаяпти. Бу ахир пахтачиликнинг энг илғор тажрибаларида эришилган натижа-ку.

Ҳосилимизда барака бўлгани учун ҳам ҳали биринчи терим якунланмасидан режаларни бажариб, давлатга 112 ўрнига 150 тоннадан зиёд хом ашё сотишга эришдик.

Тожибой БЕКБЎТАЕВ, «Бек-ҲТМ» фермер хўжалиги раҳбари:

– Деҳқон меҳнатининг пировард натижаси ҳосил йиғиштирилиб, тарозига қўйиладиган паллада бўй кўрсатаркан. Мавсумда яхши самарадорликка эришиб, қабул пунктлари билан тузилган шартнома режасини 150 фоиз қилиб уддалашга муваффақ бўлдик.

Бу аввало, аъзоларимизнинг азму шижоати, ҳалол меҳнати нишонасидир. Яна бир омил шундаки, юртимизда деҳқон манфаати устувор қўйилаяпти, ишлаган қадр топаяпти. Бу ўз навбатида, бизни янада катта мақсадлар сари руҳлантираётган бўлса ажабмас.

«ДЕҲҚОНСАВДО» – ХОРИЖДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мулк эгасини топди. Жумладан, ерлар фермер хўжаликлари ва агрофирмаларга ижара асосида берилди.

Бу имкониятдан унумли фойдаланган фермерларнинг аксарияти нафақат зиммаларидаги шартномавий мажбуриятларни уддаламоқдалар, балки жаҳон стандартларига мос экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўймоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сабзавот-полизчиликни, боғдорчиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Шоймамат Шерқобиловнинг айтишича, жорий йилда мамлакатимиздаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналари томонидан ўн тўққиз миллион тонна маҳсулот қайта ишланган. Шундан 14 миллион тоннаси Украина, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларга экспорт қилинган. Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ўзининг ширинлиги ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис уларга талаб катта.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Деҳқонсавдо" ташқи савдо уюшмаси россиялик ҳамкорлар билан биргаликда Москва шаҳрида "РОУЗ" савдо уйини очди. Мақсад фермерларга ўз маҳсулотини экспорт қилишда кўмаклашишдан иборат. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида айни кунга қадар тайёр ва агрофирмалар томонидан қайта ишланган маҳсулотларни экспортга чиқариш бўйича 40 миллиард сўмлик бир ярим мингта шартнома имзоланди.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА.

КИНОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан йигирма беш нафар чегарачи Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларнинг тарқалишига қарши кураш дастури доирасида кинолог инструкторлар учун ташкил этилган минтақавий тренингда иштирок этишди.

Чегарачи-курсантлар ўқиш давомида инструкторлар ветеринария тайёргарлиги, итлардан фойдаланиш тактикаси, уларни ўргатиш машғулотларини ўтишди.

«Туркистон-пресс».

Қишлоқ мулкдорлари

ЧОРВАДОР ФЕРМЕР ШУҲРАТИ



қилган Аҳмаджон Умаров чақиртириб, шундай дейди:

— Энди, Жўра ака, сиздан бир илтимос. Биласиз, соғлигимнинг мазаси йўқ. Сиз ишлайдиган ферма сотиладиган. Тршкентдан уч-тўрт бойвачча оламан, деб ўралашиб юрибди. Уларга сотишга, очиғи кўнглим йўқ. Нима бўлганда ҳам шу ферма жамоамизнинг юзи, бегона қўлларга ўтиб кетмасин. Имкон топсангиз, шуни сиз сотиб олинг, шунда биз ҳам хотиржам бўламиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жўрабой ака аввалига таклифни рад этади. Чунки, биринчидан жамғарган айтарли маблағи йўқ эди, қолаверса, фермaнинг аҳволи анча хароб, насллар айниган, даромад ўрнига қарздорлик ошган. Эпақага келтиришнинг ўзи бўлмайди. Аммо раис кўндирди. «Биз ҳам қараб турмаймиз, қарашамиз», деди. Бўлажак фермер уйдагилар, таниш-билиш, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй билан маслаҳатлашиб, фермани сотиб олишга қарор қилди ва шунга лойиқ пул жамғарди. Қарз узилди, оғир, синовли кунлар ортда қолди, мана, ўн йилдирки, «Роҳатой» фермер хўжалиги барқарор ривожланиб, фаолият юритаётир.

Оддий чорвадорнинг бугунги ютуқлари, мақсад-режаларига қараб, меҳнат инсонни чинакам кўкка кўтаришига, ташаббус ва ташкилотчилик, бирдамлик, одамлар кўнглига йўл топа олиш улкан ишлар сари йўл очиши муқаррар эканига ишонч ҳосил қиласиз.

— Ўшанда зиммамга ниҳоятда катта масъулият ва ишонч юкини олганимни ҳис қилиб иш бошладим, — дейди Жўра Маҳаматов. — Чорвачилик наслчиликдан бошланади. Мутахассислар билан кенгашиб, дастлабки йилиёқ «Қизил шалола» хўжалигидан энг зотдор, 20-30 литрдан сут берадиган сигирлардан олинган бузоқларни сотиб олдик. Уларни махсус жойда, зарур озуқа-маъданлари билан парваришладик. Улар етилгач, наслли авлод олишга муваффақ бўлдик. Илгарилари 100 бош сигирдан 50-60 та бузоқ олинган бўлса, наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйганимиз боис, 90 тагача бола олишга эришдик. Бузоқхоналар, соғин сигир ва бўрдоқига боқиладиган буқалар турадиган бостирмалар, шунингдек емхашак сақланадиган омборларни баҳоли қудрат таъмирладик. Шу тариқа аҳволимиз секин-аста ўнглана бошлади.

Фермернинг олдида яна бир муҳим, ғоят муҳим вазифа, аниқроғи, озуқа муаммоси кўндаланг турарди. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Еб турган молларга тоғдан ем-хашак бўлса ҳам, етиши амримаҳол. Ҳар бир мол кунига кам деганда 30 килограмм ҳашак истеъмол қилади. Энди 300-350 та қорамолни тўйдириш учун кетадиган сарф-харажатни бир чўтга солиб кўринг. Маблағ-ку топилар, аммо ем-хашак минг бир турли воситачилар орқали сотиб олиб, келтирилгунча одамнинг тинкаси қурир, асаби қақшарди.

— Кейинги йиллар омихта ем таъминотида бироз ўзгаришлар, хусусан, фермерлар учун қулайлик ва имтиёзлар яратилди, — дейди фермер. — Бироқ тизимдаги муаммотизими йўлга қўйилса, чорвачилик истиқболи учун яна бир муҳим қадам қўйилган бўларди. Бу билан аҳолининг гўшт ва сут билан таъминланиш даражаси ҳам кескин яхшиланарди.

Ҳозирча хўжаликда бу масала ички имкониятлар доирасида озми-кўпми ҳал этилиб келинмоқда. Бунинг учун, аввало тасарруфдаги 125 гектар экин майдонидан оқилона фойдаланиляпти. Унинг 15 гектарида буғдой ва такрорий экинлар, 54 гектарида беда, шунингдек, жўхори, турфа озуқабоп ўсимликлар етиштирилмоқда. Бу йилги қиш мавсумига ҳам етарли ҳозирлик кўрилаяпти. Ҳозиргача 950 тонна сенаж, 900 тонна силос тайёрланди. Қуруқ хашак ва омихта ем захиралари тўлдирилмоқда. Айниқса, қўшни туманлар ўрмон хўжаликлари билан қилинаётган ҳамкорлик озуқа базасини тежашда қўл келаяпти. Ҳозир ҳам Қураматоғ яйловларида хўжаликнинг 200 бошга яқин чорваси боқиляпти. Бунинг афзал жиҳати, аввало, эркин, табиий шароитда юрган бузоқлар соғлом ўсади, бақувватлашади, қишга яхши жисмоний ҳолатда киради, иккинчидан, бу миллионлаб маблағни тежашга имкон беради.

Айни вақтда хўжалик тасарруфидаги қорамоллар туёғи салкам 500 тага етди. Бу чорва сони ферма хусусийлаштирилган даврдагига нисбатан қарийб 100 тага кўпайди, демакдир. 138 бош соғин сигир, 100 тадан ошиқ новвос бор. Сигирлардан йилига ўртача 3200-3300 литрдан сут соғиб олинаётир. Маҳаллий аҳолининг 65 нафари бу ерда мунтазам иш билан банд. Ўтган йили 370 тонна сут, 28 тонна гўшт, яна кўплаб тирик вазнда наслдор бузоқлар сотилди. Эвазига хўжалик 26 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрди.

Қўли очиқнинг йўли очиқ, дейди халқимиз. Фермер топган-тутганининг салмоқли қисмини хайрли ишларга, одамларга меҳр-мурувват улашишга сарфлайди. «Бу хўжаликда шу ерлик одамларнинг, маҳалла-кўйнинг ҳақи бор, ҳар тўрт сигиримизнинг биттасининг сути кўчаники», дейди у ва шу ақидага амал қилиб яшайди. Ҳудуддаги болалар боғчаси ва касалхонага мунтазам сут, гўшт бериб туради. Маҳалладаги иккита эҳтиёжманд оилага бир бошдан она-бола сигир туҳфа қилди. Ўн нафар илғор сут соғувчиларга биттадан зотдор бузоқ тортиқ этди. Бу каби ишлар ҳамон давом этмоқда.

Хуллас, бугун «Роҳатой» ўз номига монанд хўжаликка айланди. У келтираётган роҳат-фароғатдан нафақат соҳиби, балки шу атрофдаги эл-юрт ҳам бирдек наф кўраяпти. Жамиятимизда фермерлик ҳаракати истиқболининг ўзак моҳияти ҳам шу эмасми?

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

***СУРАТДА:** фермер Жўрабой Маҳаматов.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг жорий йил 9 ойидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури, инвестиция дастурининг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуи таркибига кирувчи идоралар 2006-2007 йиллар кузги-қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Мажлисда идоралар томонидан тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг ижросини таъминлаш ва экспорт режаларини ошириб бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 9

ЎЗБЕКИСТОН 1

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
17.15 «Фарз ва қарз».
17.35 «Умр дафтари».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Рамазон туҳфаси».
18.20 Олтин мерос.
18.25 «Ҳиммат».
18.40 «Боғ». Т/с.
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Т/с.
20.50 «Дунё иқлими».
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.

23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.25 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».

ЁШЛАР

16.00, 19.00 Давр.
16.15 Интерфутбол.
17.50, 20.35 UzEX.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.30 Дилрабо.
18.40 Ракурс.
18.55 Иқлим.
19.30, 20.40 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Тараққиёт сари.
21.00 Эълонлар.
21.05 Омон бўлинг!
21.10 «Зерда». Т/с.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.30 «YOSHLAR»да куз оқшомлари.

ТОШКЕНТ

18.00 М/ф «Покахонтас».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Т/с.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломат бўлинг».
20.20 «Эрудит».
20.35 «Ғилдиракли уй».
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино «Уч қалб» 1- қисм.

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия».
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин».
9.30 Детективлар.
10.00 Дюшес хонимнинг саёҳати». Бадиий фильм.
18.00 «Умидли ёшлар». Ҳужжатли фильм.
18.30. 21.30 «Ҳабарлар».
18.55 «Ким нимага қодир?»
19.15 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Мени кутгил».
21.50 «Кечир бизни, илк муҳаббат». Бадиий фильм.
22.55 «Футбол шарҳи».
23.15 «Проф-РИНГ».

СЕШАНБА 10

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.10, 14.15, 16.35, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 18.15 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.05, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
9.55 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55, 13.55 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.50 «Дил таронаси».
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миздаҳкон».
12.25 «Одами эрсанг».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.05 «Олтин бешик».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 ИИВ хабарлари.
17.30 «Умр дафтари».
17.50 «Минг бир ривоят».
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Боғ». Т/с.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.40 Journal.
9.00 Солиқ хизмати.
9.10 «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Кино-SMS.
11.05 Ракурс.
11.20 Саховат.
13.15 Ватаним!
13.20 Меъёр - соғлиқ гарови.
13.40 Устозим.
13.45 «Умр дафтари».
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Тақдир-шоу.
16.55 Устозим.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Болалар табассуми.
17.25 Шум болалар.
17.35 Биз табиатни севамиз!
17.50 Таъзим.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.40 Давр мавзуси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.15 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 «JOKER» телелотореяси.
20.35 CINEMANIYA.
22.30 «Садолар сеҳри».
23.00 «Моя мечта».

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 11.30, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 Аёл қалби».
9.55, 19.30 Мусиқа SMS.
10.15 «Саломат бўлинг».
10.25, 20.35 «Ғилдиракли уй».
10.50 «Туризм ҳақида».
11.20, 21.00 «Репортаж».
11.35, 20.20 «Эрудит».
11.50, 22.50 Кино. «Уч қалб».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Ҳимоя».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Бахтли бўлинг».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 «Спорт- клуб».
9.30 Детективлар.
10.00 Бокс. Ўсмирлар халқаро турнири.
10.30 Миллий эстрада оркестрининг концерти.
11.50 Жаҳон спорти: «Теннис».
18.50 «Футбол академияси».
19.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.00 «Вести».
20.25 «Криминал». Т/с.
21.50 «Формула-1».
22.50 Еврофутбол.

ЧОРШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.40, 14.15, 16.30, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.50, 18.15 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.15, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
9.05, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
10.05 «Чининнинг саргузаштлари».
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Қишлоқ ҳаёти».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «50х50».
16.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.10 «Эркин иқтисодиёт».
17.30 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломатлик» дастури.
17.50 «Минг бир ривоят».
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Боғ». Т/с.
19.00 «Агар Сиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.45 «Сеҳрли эртак».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 «Ватанпарвар» дастури.
13.15, 17.25 Ватаним!
13.20 Таълим ва тараққиёт.
13.40 CINEMANIYA.
14.10 Давр мавзуси.
14.25 Тараққиёт сари.
14.45 Нафосат олами.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 Азизим.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Болалар табассуми.
17.30 Радиодан кўрсатамиз.
17.50 Каталог.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.30 Дилрабо.
18.35 Меъёр – соғлиқ гарови.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.35 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Автопатруль.
21.00 Эълонлар.
22.30 Эркин Комилов юбилейи.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 11.00, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Ҳимоя».
9.45, 21.00 «Репортаж».
9.55, 19.30 Мусиқа SMS.
10.15, 20.35 «Ғилдиракли уй».
10.40 «Бахтли бўлинг».
11.05, 20.20 «Эрудит».
11.20, 22.50 Кино «Уч қалб».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Келажакка интилиб».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 Детективлар.
9.50 Бокс. Ўсмирлар халқаро турнири.
10.20, 20.30 «Криминал». Т/с.
18.55 Янги иқтисод.
19.20 Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
21.50 «Форт Боярд».
23.20 Еврофутбол.
00.55 Самбо. Жаҳон чемпионати.

ПАЙШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.30, 11.10, 12.10, 14.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 18.15 Олтин мерос.
8.50 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.00, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
9.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
10.35 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.50 «Дил таронаси».
12.15 «Дурдаршан».
12.35 «Бизнинг кутубхона».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.20 Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. «Тарих кўзгуси».
15.40 «Болалар дунёси». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.15 «Меҳр қолур».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Боғ». Т/с.
19.00 «Замонамиз ёшлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.45 «Олтин калитча».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Кино-SMS.
11.05 Автопатруль.
11.25 Ватаним!
11.30 Мўйқалам сеҳри.
13.15 «Аёллар машмашаси» спектакли.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 «Хазина». 8-қисм.
16.35 Устозим.
16.40 Дилрабо.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 Болалар табассуми.
17.25 Китоб жавони.
17.35 Биз табиатни севамиз!
17.50 Давр-репортаж.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.40 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Сифат белгиси.
20.20 Бу шундай бўлган эди.
21.00 Эълонлар.
22.30 Жаҳон киноси: «Кампирни тинчитиш керак!».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 10.55, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Муқаддас қадамжолар».
9.45, 21.00 «Интервью».
9.55 «Келажакка интилиб».
10.10, 19.30 Мусиқа SMS.
10.30, 20.35 «Ғилдиракли уй».
11.00 «Камин олдида суҳбат».
11.30, 20.20 «Эрудит».
11.45, 22.50 Кино «Уч қалб».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Иқтисод - ревью».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Юртим жамоли».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 «Тет-а-тет».
9.30 Детективлар.
10.00 «Кўп яшанг».
10.20, 20.25 «Криминал». Т/с.
18.55 «Мониторинг».
19.15 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.35 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
21.50 «Беллашув».
22.50 Еврофутбол.
00.25 Самбо. Жаҳон чемпионати.

ЖУМА 13

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.25, 11.10, 14.15, 15.40, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.50, 18.10 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.20, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган кема сири».
10.10 «Цирк, цирк, цирк».
10.30 «Алла» ижрочиларининг республика кўрик танлови.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
11.55 «Табаррук замин».
12.25 «Рангин дунё».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
15.20 «Замонамиз ёшлари».
15.45 «Обод манзиллар».
16.05 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.20 «Ўзбекистон пахтаси».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.15 «Бизнес янгиликлари».
17.30 «Яхшилар ёди».
17.50 «Рамазон туҳфаси».
18.15 «Боғ». Т/с.
18.55 «Бир асар тарихи».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Одамлардан бири».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.45 «Мария, Мирабелла Транзисторияда».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00, 17.55 Кино-SMS.
11.05 Хазина.
11.20 Тараққиёт сари.
13.15, 16.35 Ватаним!
13.20 Меъёр – соғлиқ гарови.
13.40 «Раҳмат Сизга, азиз устозлар!»
14.45 Нафосат олами.
14.55, 16.15, 21.05 Омон бўлинг!
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50 Ватан мадҳи.
16.20 «Кулинг қани, кулдиринг қани!»
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Ибратли саргузаштлар.
17.20 У ким? Бу нима?
17.40 Полапон.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.45 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 «Моя мечта».
21.00 Эълонлар.
22.30 Жаҳон киноси: «Фантомас».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 11.15, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Санъат гулшани».
9.55 «Юртим жамоли».
10.15, 19.30 Мусиқа SMS.
10.35, 21.00 «Интервью».
10.45, 20.35 «Ғилдиракли уй».
11.10 «Иқтисод - ревью».
11.20, 20.20 «Эрудит».
11.35, 22.50 Кино «Уч қалб».
18.00 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломат бўлинг».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультфильм.
9.20 Детективлар.
9.50 «Снукер».
10.30 Ринг.
11.00 «Криминал». Т/с.
18.50 Э. Пьеханинг бенефиси.
20.00 «Вести».
20.20 «Мўъжизалар майдони».
21.15 Эфирда «Машъал».
21.50 «Скарамуш». Бадиий фильм.
23.40 Самбо. Жаҳон чемпионати.

ШАНБА 14

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.00, 12.45, 14.15, 16.20, 17.20, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.10 Олтин мерос.
8.50 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.05 «Олтин тож». Телеўйин.
9.40 «Шифокор қабулида».
10.05 «Чинсен». «Маврид».
10.45 «Оналар мактаби».
11.05 «Дил таронаси».
11.15 «Оила ришталари». Т/с.
11.45 «Заковат».
12.50 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
15.20 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.25 «Шахсий фикр».
17.00 «Минг бир маслаҳат».
17.25 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломатлик сирлари».
17.45 «Минг бир ривоят».
17.50 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Боғ». Т/с.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Навобахш».
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Ўзбегим ўғлонлари».
23.30 «Муҳаббат қиссаси». Бадиий фильм.

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05 «Зерда». Т/с.
8.45 «Ошуфта».
9.15, 13.15 Ватаним!
9.20 Илдиз ва япроқ.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Интерфутбол.
13.20 Бола тилидан.
13.50 Бу шундай бўлган эди.
14.10 Кино-SMS.
14.15 Жаҳон киноси: «Барон Мюнхгаузен саргузаштлари».
16.15 Ватаним!
16.20 «Эрта бугундан бошланади».
17.10 Ватан мадҳи.
17.20 «Оққуш». Видеофильм.
18.20 «Камолот» хабарлари.
18.30 Каталог.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Сеҳрли тош». Т/с
20.10 Юлдуз билан.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Кўнгил таронаси».
21.15 Оҳанрабо.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 11.35, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.45 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.45 «Дилкаш наволар».
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.30, 19.25 Мусиқа SMS.
10.50, 21.05 «Репортаж».
11.00 «Ғилдиракли уй».
11.25, 18.00 «Афиша».
11.40, 20.20 «Эрудит».
11.55 Кино «Уч қалб».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
20.35 «Камин олдида суҳбат».
21.15 «Жозиба».
22.05 «Топ гид. Валенция».
22.50 Кино. «Имкон чегараси».

СПОРТ

7.30, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Смак».
9.30 «Фазенда».
10.00 «Соғлом оила».
10.30, 18.20 Мультфильм.
11.00 «Военное дело».
11.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.10 «Умора - 2006».
14.40 «Аралаш».
18.00 «Болалар спорти».
18.50 «Файзли ошхона».
19.15 Э. Пьеханинг бенефиси.
20.00 «Вести».
20.20 «Иқтидор».
21.10 «Халқ ўйинлари».
21.50 «Мусиқий марафон».
22.30 «Катта пойга».
23.30 Еврофутбол.

ЯКШАНБА 15

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.35, 11.35, 15.55, 21.45 ТВ анонс.
8.40, 18.10 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.10 «Ўйла, Изла, Топ!» «Чининнинг саргузаштлари». М/ф.
10.15 «Саломатлик сирлари».
10.35 «Ҳажвия бисотидан».
10.55 «Меҳр кўзда».
11.40, 13.20 «Боғбон». Бадиий фильм.
13.15 «Дил таронаси».
15.20 «Олтин тож». Телеўйин.
16.00 «Ибн Сино издошлари».
16.30 «Қалпоқ».
17.00 «Интеллектуал ринг».
17.45 «Минг бир ривоят».
17.50 «Рамазон туҳфаси».
18.15 «Боғ». Т/с.
19.00 «Одами эрсанг».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «50х50».
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Ҳаёт давом этади».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.40 «Кўкка совурилган пуллар». Бадиий фильм.

ЁШЛАР

6.00 «Севги афсонаси». Бадиий фильм.
8.10 «Ошуфта».
8.40 Давр-репортаж.
8.50 «Камолот» хабарлари.
9.00 «Ватанпарвар» дастури.
10.00 Journal.
10.20 Оҳанрабо.
11.00 Эрта бугундан бошланади.
11.50, 19.55 Ватаним!
11.55 Радиодан кўрсатамиз.
12.15 Ватан мадҳи.
12.45 Қилни қирқ ёриб.
13.30 Анонс.
13.35 Ҳандалак.
13.55 Кино-SMS.
14.00 Жаҳон киноси: «Геклберри Фин саргузаштлари»,
15.50 Ринг қироллари.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 «Гарфилд-2».
18.40 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
20.00 Орзулар майдони.
20.30 «Кўнгил қўйлар».
21.00 «Ортиқ»ча клиникаси.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 «Фантомас «Скотланд-ярд»-га қарши».

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент!».
8.30, 9.45, 14.10, 17.10, 18.45, 20.00, 21.40 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 16.50, 21.00 «Телекурьер-маркет».
9.30 «И. И. В хабарлари».
9.50 «Интервью».
10.00 «Афиша».
10.10 «Оливер ва унинг дўстлари». М/ф.
11.25, 18.50 Мусиқа SMS.
11.45 Кино: «Стюарт Литл».
13.15 «Камин олдида суҳбат».
13.45 «Топ гид. Валенция».
14.15 Кино: «Имкон чегараси».
16.10, 21.45 «Эрудит».
16.25 «Авто-ҳамкор». Ҳужжатли фильм.
17.15 Кино: «Ғаройиб тўти Полли».
19.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.40 «Санъат гулшани».
20.05 «Нима учун?»
20.35 «Дилкаш наволар».
21.20 «Жозиба».
22.00 «Туризм ҳақида».
22.30 Якшанба кинозали: «Фирибгарлар Дик ва Жейн».

СПОРТ

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.25 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Қувноқ стартлар».
11.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.30 «Файзли ошхона».
11.55 «Дорихона эшитади».
12.45 «Табассум».
12.55 «Баҳодирлар ўйини».
18.00 «Умид юлдузлари».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Версия».
18.55 «Юлдузлар муз устида».
20.00 «Вести»,
20.20 «Келин-куёв».
21.30 «Талқин».
22.00 «Тенгдош».
22.20 «Проф-РИНГ».

XXI аср ва ДУНЁ

ИРОҚДА НОТИНЧЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ироқ пойтахтининг турли даҳаларида бир нечта миналаштирилган автомобиль портлатилди. Оқибатда йигирмадан зиёд одам ҳалок бўлди, олтмиш киши жароҳатланди. Мамлакат саноат вазири Фавзий ал-Ҳаририйга иккинчи марта суиқасд уюширилди.

Ниҳояси кўринмаётган хунрезликлардан зада бўлган Ироқ халқи бош вазир Нурий ал-Маликийнинг террорчиликка барҳам бериш ва миллий тотувликка эришиш мақсадида ишлаб чиққан лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Ироқдаги сиёсий фракциялар вакилларининг фикрича, бу режа ҳам барбод бўлса, Ироқ муқаррар ҳалокатга юз тутади. Парламентдаги суннийлар фракцияси етакчиси Аднан ад-Дулеймийнинг таъкидлашича, лойиҳа фарахбахш фикрларни кўтариб чиққани сабабли муваффақият қозониш эҳтимоли мавжуд. Ироқ тақдири шунга боғлиқ бўлиб турибди.

2014 ЙИЛГИ ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ҚАЕРДА ЎТАДИ?

Жанубий Кореянинг Пхенчан, Австриянинг Зальцбург ва Россиянинг Сочи шаҳарлари 2014 йилги қишки олимпиадага мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўзаро кураш олиб боради. Олимпия ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита бош директори Бан Че Хиннинг айтишича, Зальцбург ва Сочи шаҳарларининг имкониятлари каттароқ.

PyeongChang 2014 Applicant City

Ажойиб табиий шароити билан машҳур Зальцбургнинг устунлиги шундаки, у қишки спорт ўйинларини ўтказишнинг бой тажрибасига эга. Сочи ҳам ўзининг сўлим табиати билан машҳур. Бундан ташқари, президент В. Путиннинг шахсан қўллаб-қувватлаши туфайли Сочи олимпиадага мезбонлик қилиш учун бораётган курашда ўзига хос афзалликларга эга.

salzburg 2014 APPLICANT CITY

Лекин Жанубий Кореянинг имкониятлари ҳам кам эмас. Пхенчан шаҳрида барпо этилаётган Альпенсия ("Альп" ва "Осиё" сўзларидан тузилган) олимпия мажмуасини жиҳозлаш учун шу пайтгача 1,3 миллиард АҚШ доллари сарфланди. Мамлакат аҳолиси томонидан "Ғаройиб Осиё Альпи" номини олган мажмуа учун беш квадрат километрлик майдон ажратилган.

SOCHI 2014 APPLICANT CITY

Альпенсия асосан икки қисмдан иборат. "Қишки олимпиада зонаси"да биатлон, трамплиндан сакраш, чанғи ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтади. "Ҳордиқ чиқариш зонаси"да олимпия раҳбарияти, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда эътиборли меҳмонлар жойлашади. Спортчилар учун алоҳида маҳалла барпо этиш режалаштирилган. Альпенсияни рақибларидан ажратиб турадиган жиҳати – бу ерда йил мобайнида спортнинг ҳар қандай тури, ҳатто гольф билан ҳам шуғулланиш имкони мавжуд.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлимлари почтальонлар томонидан 2006 йил сентябрь ойи пенсия ва нафақалари жорий йилнинг сентябрь ойида пенсионерларга тўлиқ етказилган.
Жорий йилнинг сентябрь ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса, 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча Республика велоспорт федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида истиқлолимизнинг 15 йиллигига бағишланган велопойга марафони ўтказилди.

Вилоятимизнинг Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳидан старт олган ушбу марафонда 50 дан ортиқ турли ёшдаги велоспорт усталари қатнашди. Нуфузли мусобақада наманганлик Вадим Шаихов биринчи, Чирчиқ шаҳридан Руслан Каримов иккинчи, қорақалпоғистонлик Бахтиёр Нуриддинов учинчи ўринга муносиб деб топилди. Ғолиблар ва иштирокчиларга тадбир ҳомийларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

СУРАТДА: *ғолиблар тақдирланмоқда.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

НАФИСАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Тошкент вилоятида шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика турнири якунланди. Мусобака қоидасига кўра, шахматчилар бир даврали тизимда ўзаро куч синашди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда ғолиб якуний – ўн учинчи турда аниқланди. Унда ўн уч имкониятдан 9,5 очко жамғарган Нафиса Мўминова (Фарғона) мусобақа олтин медали билан бирга мамлакат чемпионатининг олий лигасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланма соҳибаси бўлди.

Кумуш медаль 9 очко жамғарган қашқадарёлик Умида Чоршанбиевага топширилди. Саккизтадан очкога эга Қашқадарё вилоятининг яна икки вакиласи – Нодира Нодиржонова ҳамда Сарвиноз Эргашева эса учинчи ўринни бўлишиб олишди.

Ўсмирлар ўртасида самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов мусобақа олтин медали билан бирга олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкентлик Андрей Квон иккинчи ва Самарқанд вилоятининг яна бир вакили – Соҳиб Жўраев учинчи ўринни эгаллади.

ЎзА.

Одамийлик шеваси

ОТА-ОНАНГ ОМОН БЎЛСА...

БИРИСИН ОЙ АНГЛА...

Озгина соғликни тиклаш учун шифохонага ётдим. Инсон боласи қизиқ. Соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрган кунларида бир-бирига қайрилиб қарамайдиган одамлар ҳам бир савдога йўлиқса, тўсатдан сермулозамат бўлиб қолишади, ҳатто бегоналарга ҳам меҳр кўргиза бошлайди.

Бизнинг шифохона мижозлари ҳам бундан мустасно эмас. Тилларидан бол томади, жони оғриб турган бўлса-да, шеригининг дорисини олиб ичиради ёки ҳамширани чақириб келади, яхши сўз билан кўнглингизни кўтаради.

Қанийди, мана шундай мурувватли хушхулқлик фақат хаста кунлари эмас, соғлом пайтларимизда ҳам бизни тарк этмаса, деб тавалло қилгингиз келади.

Рўпарамиздаги палатада бир онахон ётибди. Шериги йўқ, ёлғиз. У кишининг касали оғирроқ шекилли, деярли йўлакка чиқмайди. Узоқ вақт ўзини ёмонлаб ётади. Егулигини ҳам олдига олиб кириб беришади. Онахонни кўргани камдан-кам одам келади. Шунинг учун биз дамба-дам хабар олиб турамиз. Чой дамлаб берамиз, тансиқроқ таом бўлса, кўтариб кирамиз. Онахон ётган ерида дуо қилади, кўзларига ёш олади, «ух» тортади...

Бир сафар озгина ўрик шарбати олиб кирдим. Қарасам, онахон дўхтир билан гаплашиб ўтирибди.

— Дўхтир болам, ўғлимни соғиндим. Онанг ўлди, деб тилигром бер, кўриб бир дийдорига тўяй. Жон болам...

Баданим музлаб кетди. Фарзандини кўриш учун ўлимига рози бўлган онани энди учратишим. Дўхтир йигит ҳам шошиб қолди.

— Э, нафасингизни иссиқ қилинг, холажон, — деди у негадир илжайиб, — Худо хоҳласа ҳали кўп яшайсиз. Хафа бўлманг, мен ўғлингизни чақиртираман.

Маълум бўлишича, онахоннинг бир ўғил, бир қизи бор экан. Қизи бетоб, ўзи билан ўзи овора, шунинг учун онасидан хабар ололмас, ўғил эса Тошкентга яқин шаҳарда турар экан. У онасининг касалхонада ётганини билсада, бир келгани оёғи етмабди.

Дўхтирдан бу гапни эшитиб, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Кўнглимни бир-биридан найзали, бир-биридан аламли сўроқлар бурғилай бошлади. Хўш, нега баъзи бировлар туққан онасини соғинмайди? Улар она сути билан бирга меҳр-муҳаббат деб аталмиш илоҳий неъматни ҳам эммаганмиди? Волидасини ойда, йилда бир кўришни истамайдиганлар сут ҳақидан, демакки, умр-боқий қарздан қўрқмайдиларми? Она дуосидан бебаҳра қолган фарзанднинг умри безавол бўлармикан? Унинг омади келармикан, ишлари юришармикан? Ўзининг тани-жони соғ бўлиб, фарзандларининг роҳатини кўрармикан? Онанинг бешик тепасида бир кеча ухламай, алла айтиб чиққан тунини қанча хизмат, қанча дунё билан ўлчаб бўлади? Умуман, онанинг заҳматларини, онанинг ноласини, онанинг бир «ух» тортиб тўккан кўз ёшини ўлчайдиган мезон, мол-дунё, марди худо борми? Онани зор қақшатганнинг ўзи ҳам бу дунёдан зор-зор йиғлаб ўтмайдими?

...БИРИСИН ҚУЁШ

Марҳум жигарларимнинг турбатини зиёрат этгали баъзан қабристонга кириб ўтаман. Қабристон қоровули (келинг, унинг исмини айтмай, Қобил ака деб кўя қоламан) эллик бешларга борган, гапни кесиб гапирадиган, норғул киши. Яхши сухбатдош. Илоҳий илмдан ҳам, дунёвий илмдан ҳам тузукина хабардор. Айниқса, байту ғазал ўқишни хуш кўради. Ҳар сафар учрашганимизда сўзини Яссавий, Машраб ёхуд Сўфи Оллоёр шеърларини ёд ўқишдан бошлайди.

Бугун ҳам ишдан кейин мозористон томон бурилдим. Ёзнинг чилласи эмасми, кун иссиқ. Қобил ака кираверишдаги бобочинор тагида кўк чойни шопириб, елпиниб ўтирибди. Мени кўрдию, «Э, келинг, домла!» деб ўрнидан турди. Бир пиёла чой узатди.

— Иссиқ забтига олди, — деди сўнгра, — чилла чиллалигини қиладида, тўғрими?

— Қани омин! Илоҳо, мана шу дарахтнинг битта япроғи ҳам бемаврид узилмасин! Илоҳо, мархумларни ўзинг шафоат айлагин!

Қоровул икковлон биргалашиб, қавму қариндошлар, таниш-билишлар қабрларини айландик, уларнинг ҳаққига дуо қилдик. Кейин чинор остида бир замонгача гурунглашиб ўтирдик. Гап айланиб, хоксорлик, қаноат, одамийлик, такаббурликка тақалди. Қобил ака тағин Яссавий ҳикматларидан ўқиди:

— Шаксиз, билинг,
бу дунё барча халқдин ўтаро,
Иноннмағил молингга,
бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош,
қаён кетди, фикр қил,
Тўрт оёқли чўбин от
бир кун сенга етаро!

Ана, домла, пири Туркистоний то қиёматгача эскирмайдиган ҳикматни тўрт оғиз қилиб айтиб қўйибдилар. Ўзимиз-ку, бу фоний дунёда омонат эканмиз, нега кибру ҳавога бериламиз-а, тушунсам ўлай! Уч қаватли шоҳона иморат қурдим, деб кериламиз. Юз миллион сўмга олинган машиналаримизни кўз-кўз қиламиз. Якшанба куни неваралар билан Парижга бориб, музқаймоқ еб келдик, деб гарриллаймиз. Майли, ош бўлсин. Аммо мундоқ ёнбошингдаги есир хотиннинг болаларидан ҳам хабар олдингми? Уларникида қора қозон ҳар куни қайнаётганмикан? Сенинг кекиришингни девордан эшитиб қолса, ўша етимлар ўксимайдими? Атрофингда биров йиғлаб турса, сен бахтли бўла оласанми? Шуларни ўйласам, кўнглим бузилади, ё олло, бизнинг бойваччаларимизга ҳам инсофу тавфиқ бер, деб тилайман.

Қобил ака совуган чойини симирди-ю, ўрнидан қўзғалди:

— Бу ёққа юринг, домла, сизга бир нима кўрсатаман.

— Қаёққа борамиз?

— Юраверинг, дунёнинг ишларини бир томоша қиласиз.

Кетдик. Қабристоннинг тўрига қараб юрдик. Ниҳоят, катта бир хилхона олдида тўхтадик. Тўрт томони ўн метрдан келадиган чорбурчак қабрхона. Хилхона атрофига қора мармардан ярим метрлик панжара ясалган. Панжаранинг ҳар ерига тарвуздек думалоқ тошлар ўрнатилган. Улар ҳам қора мармардан. Кираверишдаги йўлка, зиёратчилар ўтирадиган курсилар, гулдонлар — бари мармар тош. Ўртада ота-она шаънига қўйилган маҳобатли ёдгорлик. Баланд, энлик ёдгортошга зарҳал ҳарфлар ила муҳаббатнома битилган. Бу дабдаба, бу ҳашаматга ақлингиз шошади. Беихтиёр «Қанчага тушган экан-а бу?» деган савол айланади кўнглингизда.

— Саккиз уста бир ойча ишлади, — деди Қобил ака. — Кам деганда бир иморатнинг пули кетгандиров. Майли, ота-онага ҳар қанча қилса ярашади. Бу йигит пулдор, дўконлари бор. Аммо алам қиладиган ери шундаки, ота-онаси тиригида уларни ойлаб кўрмас эди. Тижорат билан овора бўлиб, онасининг жанозасига ҳам етиб келолмади. Отаси уйга сиғмади. Келинининг дастидан қизиникига бориб яшади. Ана энди, «Дунёда энг азиз, энг мўътабар, каъбам онам, қиблагоҳим отам», деб ёздириб қўйибди. Бу иккиюзламачилик, мунофиқлик эмасми, домла? Тиригида хор бўлган ота-онага бундай ёдгорлик чикора? Аслида бу бойвачча ўғилнинг ўзига керак. Кўрдингларми, биз ота-онамизнинг ётган ерларини обод қилиб қўйибмиз, деб ҳамтовоқларига мақтаниши керак-да! Бундай манманликни Оллоҳ ҳам кечирмайди.

Қобил аканинг қуюнганича бор. Кейинги пайтда онаси кўз юмса: «Мени туққан хотин ўлибди», отаси қазо қилса: «Ўзи қариб-чириган эди, дунёга устун бўлармиди?» дейдиган ақли ноқис, думбул ёшлар кўпайиб кетди. Уларнинг кўнглини меҳр, мурувват, оқибат, инсоф, тавозе, имон нурлари эмас, бу ўткинчи дунё ҳою ҳаваслари, омонат молу манот ҳирси эгаллайди. Бу хавфли хуружнинг оқибатларини ўйлаб, «Кўзингни оч, эй ғофил!» дея ҳайқиргингиз келади. Яхшиларнинг кўнгил тўрига битилган мана шу шоҳ байтларни такрорлаб, имон келтиришни афзал кўрасиз:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунингга айлагали нурфош,
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Саъдулла СИЁЕВ.

Ҳаёт сабоқлари

«НОТЎҒРИ» ВАСИЯТ

Отаси бош фарзандига васият қилди:

— Сен ҳадеб буларни ўйлайверма, топганларингни болаларингга атаб қўй, эртага қариганингда қийналиб қоласан. Мен ҳам боримни ўзимдан кейингиларга сочдим, охир-оқибат мана шунақа ғариб бир аҳволга тушиб қолдим.

Бу гап қалбига олижаноб туйғулардан бошқаси сиғмайдиган қуюнчак фарзандга эриш туюлди.

— Ахир қандай қилиб, мен отаси йўқ, онаси касалманд ўз жигарларимга беэътибор бўлишим керак. Отам билиб-билмай нотўғри васият қилдилар, — дерди у ҳар сафар жиғибийрон бўлиб бу ҳақда эслаганида.

Орадан йиллар ўтди, опанинг куйиб-пишиб юришлари натижасида ука ва сингиллари ўқишди, олий маълумот ҳам олишди ва ҳар қайсиси жой-жойини топишди.

Жигарларининг уйига борганида икки қаватли иморат билан унинг олдида савлат тўкиб турган машиналарга кўзи тушган опа бешта укаси машиналик бўлиб, ўзи машина нима эканлигини билмай ўтган отасининг васияти ҳақида энди бошқача ўйлайдиган бўлди.

Ҳашаматли кошоналардан чиқиб, ўзининг торгина эски кулбасига қайтар экан, у отасининг доим, буларнинг ҳеч қайсиси каттасига ўхшамайди, деб онасига таъкидлаганларини эслаб, отасининг бугунги аҳволни олдиндан башорат қилганини тушунди. Қари билганни пари билмас, деб тўғри айтишар экан. Катталар кичикларни ўйлар экан, кичиклар эса ўзларини.

Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи.

Ҳинд савдо кўргазмаси

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонасида шу йил 6-8 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган учинчи Ҳиндистон савдо кўргазмасига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Ҳиндистон мамлакатимизга тўқимачилик, дори-дармон, гиламлар, косметика, чарм ва пойабзал маҳсулотларини экспорт қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистондан эса пахта толаси, самолётлар учун эҳтиёт қисмлар, ипак газламалари, рангли металл, кимёвий ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Ҳиндистоннинг "Спентекс" тўқимачилик компанияси ўзбекистонлик ҳамкорлар билан вилоятимизнинг Тўйтепа шаҳрида қўшма лойиҳани амалга оширишга киришгани мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлигида муҳим воқеа бўлди.

Ҳиндистон-МДҲ савдо-саноат палатаси раиси Жейн Бхабху кўргазмада қатнашаётган ўттиздан зиёд иштирокчиларнинг аксарияти ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирган янги фирма ва компаниялар эканини алоҳида қайд этди.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

Сканвора



Бир чимдим кулгу

ҒАРОЙИБ РЎЗҒОР

Кечаси Афандининг маҳалласига ўт кетиб, одамлар нариги маҳаллага кўча бошлашди. Ҳамма бор кўч-кўронини аравага ортиб кетса, Афанди икки кўрпа, бир шолча, икки болишни орқалаб йўлга тушди. Йўлда кимдир сўради:

– Бор юкингиз шуми, мулла Насриддин? Бу қанақа рўзғор?

Афанди елкаси тиришиб, жавоб қилди:

– Буми? Бу – беш қиз чиқарганнинг рўзғори!

ҚИРҚ ЙИЛЛИК СИРКА

Бир куни қўшниси Афандидан сўради:

– Сизда қирқ йиллик сирка бор эмиш, шу ростми?

– Рост.

– Унда ўша сиркангиздан пича беринг.

– Ие, ҳар кимга пича-пича бераверсам, сирка қолармиди?

ШУ КЕЛИШИНГ БЎЛСА...

Афанди кўчада бир одамни аҳмоққа чиқарди. У одам Афандининг бошига мушт ўқталиб келди:

– Ким аҳмоқ, ҳўв?!

– Шу келишинг бўлса, мен аҳмоқ, – деди Афанди.

ЮМАЛОҚ СУВ

Бир ошнаси Афандига бир дона шафтоли бериб мақтанди:

– Мен бунинг данагини Бадахшондан олиб келганман.

Афанди шафтолини еб кўриб, кулди:

– Бадахшоннинг шафтолиси юмалоқ сув бўлар экан-а, тавба!

ЕРНИНГ ГУНОҲИ НЕ?

Афандининг янги олган хотини ёмон чикди. У бўлар-бўлмасга жанжал кўтарар эди. Бир куни сочини юлгудек бўлиб шанғиллади:

– Сизга эрга теккунча қаро ерга тегсам бўлмасмиди!..

– Қўй, унақа дема, – деди Афанди, – ер шўрлик нима гуноҳ қилди...

СИЧҚОН ДОРИ

Афанди пул ишламоқчи бўлди. Бозорга майда тошлардан олиб борди ва ерга ёйиб ўтирди.

– Бу нима? – деди бир харидор.

– Сичқон дори, – деди Афанди, – сичқонни ушлаб, шу тошдан биттасини оғзига тиқасиз, кейин бошингиздан айлантириб ерга урсангиз, тил тортмай ўлади.

Бояги одам ҳайрон бўлди:

– Сичқонни тутиб олганимдан кейин оғзига тош тиқмасдан ерга урсам, ўлмайдими?

– Унда ҳам ўлади, – деди Афанди бамайлихотир.

С. ҚАРНОҚЛИ тўплаган.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 7 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьялари малака ҳайъати ихтисослиги бўйича уч йиллик юридик стажга эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар юристларини жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяларини номзодлари заҳирасига таклиф қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй. Тел.: 152-23-43.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1994 йил 22 декабрда Ўзбек-Ҳиндистон «Кафолат-Капур Фейшн» қўшма корхонасига берилган 20-1102 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси газетанинг ўз мухбири Даврон Аҳмедовга акаси

Равшан АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1240. Адади 3467. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6